

“Ўзархив” агентлиги Бош директорининг “8-март Халқаро хотин-қизлар” куни муносабати билан байрам табриги

Ассалому алайкум, ҳурматли, қадрдон ва муҳтарам архивчи хотин-қизлар!

Баҳор! Янгилик ва ёшариш фасли! Баҳор кириб келиши билан қалбимизда ўзгача шукҳ, ўзгача қувонч ва ўзгача бир сўз билан ифодалаб бўлмас ҳис туйғулар жўш уради.

Табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шукҳли айём Сиз азиз аёллар байрами билан ҳамоҳанглиги биз эркакларни янада қувонтиради...

Сиз, азизларни, сизлар орқали бутун архив муассаларида фаол ишлаб келаётган барча хотин-қизларни 8 март байрами билан аёлларимиз, оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан!

Ҳеч кимга сир эмас, Сиз архивчи аёлларнинг жонбозлигиниз сабаб мамлакатимизда архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассасалар тартибли, саранжом-саришта, озода, файзlidir.

Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук зотларни улўғлар эканмиз, ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак, арзийди, албатта.

Сизларни байрам билан чин қалбимиздан табриклар эканмиз, умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин! Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин! Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлинг, азиз, аёллар!

Барчангизга байрам муборак бўлсин!

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

Абдушукр Ҳамидович Абдуллаев!

2017 йил 7 март, Тошент шаҳри